



XXI ASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган, e-mail: axborotXiasr@yahoo.com, web sayt: www.21sr.uz

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2012 йил 22 ноябрь, пайшанба, 47 (471)-сон



**ИНТЕРНЕТДАН
ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР
10 МИЛЛИОНГА
ЕТДИ**

3 ҚОНУНЧИЛИК



**НАМАНГАНДА «ХАЛҚ
БАНК»И КИЧИК БИЗНЕСГА
27 МИЛЛИАРД КРЕДИТ
АЖРАТДИ**

6 БАНК ТИЗИМИ



**ЎЗБЕК ФУТБОЛИ ТОБОРА
РИВОЖЛАНМОҚДА.
АММО...**

8 ФУТБОЛ

Иқтисодиёт

ЎЗБЕКISTON — МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ САНОАТ МАРКАЗИ

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, мамлакатимизда миллий транспорт коммуникацияларининг ривожланиши натижасида кейинги 10 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 7-9, экспорт ҳажмининг ортиши эса йилига 30 фоизни ташкил этмоқда.

Маълумки, иқтисодиёт ва ташқи савдонинг барқарор ўсиш суръатлари транспорт-коммуникациялар мажмуини жадал ривожлантириш, унинг транзит салоҳиятини янада ошириш, шунингдек, халқаро транспорт йўлакларини диверсификация қилишни ҳам талаб этади.

3 >>>

Ислоҳот



НАВОИЙДА ТАДБИРКОРЛИК ФАРОВОНЛИК АСОСИГА АЙЛАНДИ

Навоий вилоятида жорий йилнинг 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,7 фоиз, саноат маҳсулотлари 5,1, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш эса 11,5 фоизга ошди.

Қишлоқ ҳўжалиги ялпи маҳсулотининг ўсиши эса 7,9 фоизни ташкил этиб, 250 минг тоннадан ортиқ бошқиди дон ҳосили, 110 минг тоннадан кўпроқ пахта хирмони бунёд этилди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, ҳисобот даврида ҳудудий экспорт прогнози режага нисбатан 163,8 фоизга бажарилиб, унинг умумий ҳажми 20,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

4 >>>

БУГУНГИ СОНДА

«МУНОСАБАТ»ГА МУНОСАБАТ

Айрим ҳолларда баъзи бир оқсоқолларимизнинг дабдабозликка йўл қўйилаётган тўйларга ўзлари бошқош бўлаётганларини қандай изоҳлаш мумкин?



2 >>>

Парламентда

2013 йилда солиқ юки янада камайтиради

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING 16 НОЯБРЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТГАН ЯЛПИ МАЖЛИСИДА АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ПРОГНОЗИ, 2013 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ҲАМДА ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва ҳукумат аъзолари иштирок этган мажлисда алоҳида қайд этилганидек, Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2012 йили иқтисодий дастурнинг энг муҳим устуворликларини тизимли ва аниқ мақсадни қўзлаган ҳолда рўёбга чиқариш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар белгилаган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш ва давлат бюджетини параметрларини муваффақиятли бажаришни таъминлаш имконини бермоқда. Беш асосий тамойил моҳиятидан келиб чиққан чора-тадбирларни амалга ошириш жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини олдини олиш баробарида кейинги йилларда давлат бюджетини профицит билан ижро этилишини ҳам таъминламоқда.

Мажлисда 2013 йилда солиқ-бюджет сиёсати бўйича ўтказиш тақлиф этилган тадбирларни рўёбга чиқариш натижасида давлат бюджетини даромадларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,3 фоиз, харажатлар эса 22,3 фоизни ташкил этиши алоҳида таъкидланди. Зеро, 2013 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотини ишлаб чи-

қариш ҳажми 8,4, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 6, капитал қўйилмалар 9,3 фоизга ўсиши тахмин қилинаётгани янги йилда ҳам мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари сақланиб қолишидан далолат бермоқда.

Шу ўринда келгуси йил мамлакат иқтисодиёти зиммасига тушадиган солиқ юкини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз қисқартириш қўла тутилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунда жисмоний шахсларнинг даромадларига солиналган энг кам солиқ ставкасини биринчи шкала бўйича 9 фоиздан 8 фоизга камайтириш тақлиф этилмоқдаки, бу мутахассислар ибораси билан айтганда, 186 миллион сўм миқдордаги маблағ жисмоний шахслар ихтиёрида қолишини аниқлатади.

2013 йилги давлат бюджетига, шунингдек, иқтисодиётни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун 2,8 триллион сўм ажратилиш назарда тутилаётганини, бу эса жорий йилнинг тасдиқланган параметрларига нисбатан 22 фоизга кўп эканини қайд этиш лозим.

2 >>>

Муносабат

Барқарор ривожланишни таъминловчи кафолатланган бюджет

ПАРЛАМЕНТ ҚУЙИ ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНING 2013 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ СОҲА МУТАХАССИСЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР АНА ШУНДАЙ БАҲОЛАМОҚДАЛАР

Бу бежиз эмас, албатта. Сабаби қўллаб мамлакатлар ҳали ҳамон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ҳақида бош қотираёт-

ган, социал сектор харажатларини кескин камайтириш баробарида солиқ юкини оширишга ҳаракат қилаётган бир пайтда Ўзбекистонда манбалари олдиндан кафолатланган ва ижтимоий йўналтирилган давлат бюд-

жетининг қабул қилиниши истиқлол йиллари «Ўзбек модели» асосида амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасининг ҳаётий тасдиғи, дея эътироф этилаёпти.

Келгуси йилга мўлжалланган бюджетноманинг туб моҳиятини аниқлаш учун ушбу ҳужжат таҳлиliga дунёда кечаётган жараёнларни яна бир бор кўз олдимиздан ўтказган ҳолда ёндашсак, глобал миқёсда юз бераётган молиявий инқироз туфайли қатор давлатлар қабул қилаётган бюджетларда кузатилаётган хусусиятлар билан солиштирсак Ўзбекистон давлат бюджетини лойиҳасида илгари сурилган гоъларнинг аҳамияти янада яққолроқ намоён бўлади.

2 >>>

О'zLiDeP фракциясида



Янги иш ўринларида кичик бизнеснинг ҳиссаси катта

О'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИНING НАВБАТДАГИ ЙИФИЛИШИДА «2013 ЙИЛДА ИШ ЎРИНЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАСТУРИ» ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Йиғилишда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ботир Алимўхамедов сўзга чиқиб, мазкур дастур Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил II ярим йиллик иш режасига асосан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар

ҳокимликлари ҳамда барча манфатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда туман ва шаҳарлар кесимида меҳнат бозоридаги эҳтиёжни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилганини таъкидлади.

Фракция аъзолари ушбу муҳим ҳужжатда Юрбощимизнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг

роли ва аҳамияти» мавзусида халқаро конференциядаги нутқиди таъкидлаганидек, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишда муҳим мавқега эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка кенг ўрин берилганини алоҳида таъкидламоқдалар.

2 >>>

Бунёдкорлик

Бухорода ислоҳотлар изчиллиги таъминланмоқда

АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА КЎҲНА БУХОРО ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ РИВОЖЛАНГАН ҲУДУДЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ

Хусусан, 2012 йилнинг 9 ойидагина вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 108,6 фоиз, саноат ишлаб чиқариш — 104,4, ялпи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштириш — 107,6, қурилиш ишлари ҳажми 115,5 фоизга ўсди. Мутахассисларнинг фикрича, бунда хизматлар ҳажми 114,6 фоиз, экспорт эса 143,6 фоизга ошган. Январь-сентябрь ой-


лари вилоятда 1,5 триллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,4 фоизни ташкил қилди. Саноатни ривожлантириш ҳудудий дастурига мувофиқ эса 2012 йилнинг 9 ойида 19 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, 3,3 миллион АҚШ долларига тенг қийматдаги инвестиция киритилди.



4 >>>

ПАРЛАМЕНТДА

Барқарор ривожланишни таъминловчи кафолатланган бюджет



Бахтиёр ЯКУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси раҳбари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Қуйидаги мисоллар ҳам фикримизни янада ойдинлаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Маълумки, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ривожланган давлатларга ҳам, ривожланаётган мамлакатларга ҳам бирдек таъсир ўтказди. Унинг оқибатларига бардош бериш ҳалигача аксарият давлатлар ҳукуматлари учун ҳаёт-мамот масаласига айланаётгани сир эмас. Ҳатто бир қатор фарб мамлакатлари ўз иқтисодиётида 2012 йилда кузатишган пасайиш суръатлари кейинги йилда ҳам давом этишини тан олмоқдалар.

Айни пайтда дунё аҳли Греция, Португалия ва Испанияда бюджет тақчиллигини бироз бўлсада камайтириш мақсадида қандай молиявий чекловлар қўлланилаётганига гувоҳ бўлиб турибди. Италия 2013 йилги бюджетини 10,5 миллиард еврога қисқартиратгани, буни, энг аввало соғлиқни сақлаш ва ҳудудий бошқарув тизимига ажратиладиган маблағларни қисқартириш ҳисобига амалга ошириш режалари мавжудлигини билдираётган бўлса, худди шу каби қисқартиришларни Испания таълим ва соғлиқни сақлаш ҳисобига амалга оширишни белгиланган.

Ўзбекистонда эса давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи айнаш шу соҳа харажатларига йўналтирилаётгани мамлакатимизда қабул қилинаётган бюджет лойиҳасининг туб моҳиятини кўрсатади, албатта.

Кейинги вақтларда бир қатор мамлакатлар тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги солиқ юкини ҳам кўпайтириш йўлидан бормоқдалар. Ушбу давлатлар ҳукуматлари бундай қадамни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидаги мажбурий тадбир эканлиги билан оқлашга ҳара-



кат қилишмоқда. Бугун Франция бюджет тақчиллигини бартараф этиш мақсадида бизнес субъектларининг айрим турларига солиқни кўтариш масаласини

ТАДБИРКОРЛИК, ИШБИЛАРМОНЛИК, ЭНГ АВВАЛО, БАРҚАРОРЛИК МАВЖУД БЎЛГАН, ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ҲУКМ СУРГАН ЖОЙДАГИНА ТАРАҚҚИЙ ЭТАДИ. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ СОЛИҚ ВА БЮДЖЕТ СИЁСАТИ АЙНАН АНА ШУНДАЙ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛГАН.

қўриб чиқмоқда. Иқтисодиётдаги вазият туфайли Испанияда беш ой ичида 63 млрд. евро миқдоридagi капиталнинг четга чиқиб кетиши қайд этилди. Ушбу омиллар таъсирида евроҳудудда ишбилармонлик фаоллиги охириги ойларида ўзининг кейинги уч йилдаги энг паст даражасига тушгани тилга олинмоқда. Шундай вазиятда Ўзбекистоннинг 2013 йилга мўлжалланган давлат бюджетидagi тадбиркорлар зиммасидаги бирорта солиқ юки кўтарилмагани, аксинча, 2012 йилда Президентимиз томонидан қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар асосида соҳа вакиллари учун янги имтиёзлар берилганини кўриш мумкинки, бундай ёндашув ҳам мамлакат бюджетини бошқа давлатларнинг молиявий ҳужжатидан фарқловчи муҳим жиҳатлардан биридир.

Қолаверса, 2013 йили Ўзбекистонда баъзи солиқ турлари бутунлай бекор қилинаётганини таъкидлаш мумкин. Масалан, юридик шахсларнинг номоддий активлари (патентлар, лицензиялар, дастурий таъминот, муаллифлик ҳуқуқи ва бошқалар) бўлган мол-мулкни солиқ солиш объектдан чи-

қарилаётгани фикримиз далилдир. Бу эса шундай корхоналар фаолиятига инновацияларни кенг жорий этиш учун яна бир рағбатлантирувчи омил сифатида хизмат қилади.

Учинчи бир қиёс. Албатта, кўплаб давлатлар бугун ўз иқтисодиётининг даромад ва харажат қисмини мувозанатлаштириш мақсадида аҳоли даромадларини камайитиришга мажбур бўлаётгани, бу эса аҳолининг норозилигини келтириб чиқараётганидан ҳам кўз юмиш мумкин эмас. Бир қатор Ев-

вий ва ишчанлик муҳитини яхшилашга, иқтисодиётни модернизациялашни рағбатлантиришга, ҳўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, макро-иқтисодий мутаносибликни таъминлашга қаратилганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Албатта, бундай бюджет лойиҳасини О'zLiDeP электорати бўлган тадбиркор, ишбилармонлар ва фермерлар тўла қўллаб-қувватлайдилар. Чунки тадбир-

ропа мамлакатларида айнаш шу муаммо туфайли аҳоли намоийшлар уюштирилганлигидан бугун оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлиб турибмиз. Мамлакатимизнинг 2013 йилга мўлжалланган бюджет лойиҳасида эса аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириб бориш устувор масалалардан бири сифатида белгиланиб, бюджетдан маош олувчиларнинг иш ҳақини йил давомида 1,23 фоизга кўпайтириш, жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган энг кам солиқ ставкасини биринчи шкала бўйича 9 фоиздан 8 фоизга камайитириш назарда тутилганки, бу ёндашувларнинг асл моҳияти ва аҳамияти бошқа мамлакатлардаги ҳолат билан таққослангандагина яққол намоён бўлади.

Мана шу қиёсий таҳлилларнинг ўзидек мамлакатимизнинг 2013 йилга мўлжалланган бюджетини том маънода барқарорлиги кафолатланган, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини таъминлашга хизмат қиладиган бюджет, деб баҳолашга асос бўла олади. Кези келганда, мамлакатимизнинг солиқ ва бюджет сиёсати, энг аввало, сармо-

корлик, ишбилармонлик, энг аввало, барқарорлик мавжуд бўлган, эртанги кунга ишонч ҳукм сурган жойдагина тараққий этади. Мамлакатимизнинг солиқ ва бюджет сиёсати эса айнан ана шундай мақсадга қаратилган.

Шу ўринда Ўзбекистонда машҳур беш тамойил моҳиятидан келиб чиққан чора-тадбирларни амалга ошириш нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига барҳам бериш, балки кейинги йилларда давлат бюджетни профицит билан ижро этилишини таъминлаш имконини ҳам бераётганини қайд этиш лозим. Бу эса республикаимизда ўтказилаётган солиқ ва бюджет сиёсати самардорлигининг, мамлакат тўлов баланси ҳолати барқарорлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга мўлжалланган асосий молиявий ҳужжатини жаҳондаги глобал инқироз асоратларини енгиб ўтишга қодир бўлган, тақрор бўлса ҳам, барқарорлиги кафолатланган бюджет, десак муболаға бўлмайди.



Янги иш ўринларида кичик бизнеснинг ҳиссаси катта

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озод РАҲАБОВ,
«XXI ASR»

— Дастурда меҳнат бозоридagi босимни пасайтириш ва вазиятни юмшатишнинг таъсирчан воситаси сифатида бандликнинг самарали шакллари, айниқса, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, илгари яратилган иш ўринлари барқарорлигини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган, — дейди Ботир Алимудхамедов. — Шу ўринда 2013 йилда ҳам меҳнат бозорига демографик омилларнинг сезиларли таъсири сақланиб қолиши ҳақида алоҳида сўз юритиш жоиз. Демографик прогнозга кўра, келаси йил меҳнат ресурсларининг сони 17,7 млн. кишини, шундан иқтисодий фаол қисми 12,9 млн. нафарни ташкил қилади. Уларнинг қўшимча ўсиш суръати эса мос равишда 2,3 ва 2,5 фоиз бўлади.

Дастурга мувофиқ, 2013 йилда республика бўйича 972,7 минг иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган. Уларнинг катта қисми Самарқанд (93,9 минг), Фарғона (92,4 минг), Қашқадарё

(88,8 минг), Тошкент (86,8 минг), Андижон (79,6 минг), Наманган (75,1 минг), Бухоро (73,7 минг), Сурхондарё (65,9 минг), Хоразм (60,0 минг) вилоятлари ва Тошкент шаҳрига (81,7 минг) тўғри келади. Иш ўринларини ташкил этишнинг барча йўналишлари ва параметрлари туман ва шаҳарлар кесимида тақсимланган.

Чекка ҳудудларда жойлашган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма старли даражада ривожланмаган 28 та туманга алоҳида эътибор қаратилади ва уларда 2013 йилда камидан 126 мингта ёки 2012 йил дастуридан 5 фоиз кўп иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

Фракция аъзоларининг фикрича, мазкур дастурнинг давлат бюджети лойиҳаси билан бир вақтда парламент тақдим қилинган долзарб аҳамиятга эга бўлиб, пировадига улар ўзаро уйғунлик ва ҳамоханлик касб этади. Натيجала дастури ўз вақтида ва сифатли бажариш имконияти янада ошади.

— Янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси катта эканини инобатга олиб, дастурда ушбу соҳани қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан жами 5,1 триллион

сўм миқдоридa кредит ажратилиши мўлжаллангани диққатга сазовор, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Шароф Амонов. — Бу маблағ, энг аввало, қишлоқ жойларида амалга оширилган лойиҳаларга сарфланиши режалаштирилгани янада муҳимдир.

— Мазкур дастурнинг самарали бажарилиши ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қабул қилинаётган метъерий ҳужжатлар ижроси билан бевосита боғлиқдир, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Нодира Каримова. — Хусусан, Президентимизнинг бу борадаги қарорлари асосида шу йилнинг 1 августидан бошлаб 80 турдаги рухсат бериш тартиби ва 68 та шаклдаги статистик, солиқ ҳамда молия ҳисоботларининг бекор қилингани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожланиши, янги-янги микрофирмаларнинг ташкил этилиши, модомики, янги иш ўринларининг очилишини ҳар томонлама рағбатлантиради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, фракция аъзолари «2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» лойиҳасини маъқуллашга қарор қилдилар.

Фарғонада ёшлар учун яна бир маскан хизмат қила бошлади

ФАРҒОНА ШАҲРИДА ЯНГИ ИНШОТ БАРПО ЭТИЛДИ

Абдувосит СИДДИКОВ

Қирғули мавзесида «Кимёгар» ёшлар маданият марказининг фойдаланишга топширилиши нафақат фарғоналиклар, балки бутун вилоят аҳли учун ҳам том маънода тантанана айланди, дейиш мумкин.

Марказнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Шухрат Фаниев сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар Фарғона вилоятида ҳам салмоқли натижалар бераётганини, фарғоналикларнинг бунёдкорона меҳнати эвазига вилоятда улкан қурилиш ишлари олиб борилаётганини таъкидлаб, марказни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган қурувчиларга миннатдорлик билдирди.

— Илгари бу ер қаровсиз аҳолга келиб қолган эди, — дейди «Фарғона Азот» АЖ бўлим бошлиги Жаҳонгир Каримов. — Жамиятимиз ташаббуси билан қисқа муддатларда қад ростлаган маданият маркази фарзандларимизнинг буш вақтларини мазмунли ўтказиш, хунар ўрганиш, интеллектуал ривожланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Маълумки, спорт ёшларнинг соғлом ва баркамол вояга етишишларида катта ўрин тутаяди. Маданий марказда спортнинг кўплаб турлари билан шуғулланувчи ёшлар учун ҳам қўлай шарт-шароитлар мавжуд.

— Мен спортнинг баскетбол тури билан шуғулланаман, — дейди қирғуликлик ёш спортчи Нодир Асқаров. — Энди узоққа боришга хожат қолмади. Маҳалламизнинг ўзида бунёд этилган



марказда барча имкониятлар мавжуд экан. Биз, ёшлар бундан жуда мамнунмиз.

Марказда ташкил этилган компьютер клубида ёшлар замонавий ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш, уни пухта ўзлаштириш имконига ҳам эга бўлдилар. Ўзйиборлиси, бу ерда ёшларга интернет тармоғига кириш, ундан мақсадли фойдаланишни ўргатиш режалаштирилмоқда.

Бугун мамлакатимиз ёшлари кенг имкониятлар ва шароитлар яратилган замонавий илм масканларида бахтиёр камолга етмоқдалар. Буни марказнинг очилиш тантаналарида иштирок этган юзлаб ўқувчи-ёшларнинг юз-кўзларида балқиб турган қувончдан ҳам сезиш мумкин. Эндиликда иқтидорли фарзандларимиз ҳар қандай байрам тадбирини мазракда бемалол ташкил этишлари, у ердаги тўғарақларда вақтларини мазмунли ўтказишлари мумкин.

2013 йилда солиқ юки янада камайитирилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Хусусан, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларини сув ресурслари билан ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашга 1,4 триллион сўм сарфлаш мўлжалланган.

Бундан ташқари, мелiorация шохобчаларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш дастури доирасида Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш фонди маблағлари ҳисобидан мелiorация ишлари амалга оширилади. Натيجала 300 минг гектар экин майдонининг ҳолати яхшиланади, бу ишларга 227 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясида сайланган депутатларнинг фикрича, бундай тадбирлар, шубҳасиз, фермерлик ҳаракатининг янада ривожланиши ва қишлоқ ҳўжа-


лиги маҳсулотларининг кўпайишига олиб келади.

Муҳокама қилинган чўғида О'zLiDeP вакиллари 2013 йилги Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан ўз нуқтаи назарини билдириб, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, иқтисодиёт зиммасидаги солиқ юкини камайитириш билан боғлиқ тадбирлар ниҳоятда муҳим эканига алоҳида эътибор қаратдилар. Бунда иқтисодиётни янада либераллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид қонунчилик базасини мустаҳкамлашга қаратилган ислохотларни кучайтириш лозим, албатта. Президентимизнинг «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил

қилишни янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони эса бу борада дастурий амал ҳўжат вазифасини ўтайди.

Давлат бюджети лойиҳасида ижтимоий соҳани молиялаштиришга жами харажатларнинг 59 фоиздан зиёдини йўналтириш назарда тутилаётгани эса Ўзбекистонда мазкур соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг изчиллигидан далолатдир.

Муҳокама қилинган давомидa билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетини маъқуллаш юзасидан тегишли қарор қабул қилди.



Партиявий масъулият электорат ишончини қозонишдан бошланади

5 саҳифада ўқинг

ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллиги олдидан

Тараққиётимизнинг тамал тоши

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ, СИЁСИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТИДА УЛКАН ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ДАВРИ БЎЛГАН ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА БОШ ҚОМУСИМИЗ ТАМОЙИЛЛАРИГА ТАЯНИБ ИШ КЎРИЛГАНИ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРДИ

Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги гоёси ўрта қатлам вакиллари фаолиятини янада ривожлантириш билан боғланаётгани эса мулк масаласига бўлган эътибор давлат сиёсатининг стратегик мақсадларидан бирига айланганини кўрсатади.

Қахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Шу асосда юртимизда хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити яратилди. Жумладан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларида улаш тартиби соддалаштирилди. Рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси икки баробарга қисқартирилди. Ишчиларнинг йиллик ўртача сони 100 кишигача кўпайтирилган кичик корхоналар шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати сезиларли даражада кенгайтирилди. Кичик бизнес субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг миқдосда жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Буларнинг барчаси янги ижтимоий қатлам — мулкдорлар синфининг шаклланиши ва ривожига туртки берди. Агар 1991 йилда хусусий секторнинг янги ички маҳсулотдаги улуши атрди 1 фоиз атрофида бўлган бўлса, бугунга келиб бу кўрсаткич қарийб 54 фоизга етди. Иш билан банд аҳоли умумий сонининг соҳада 49,7 фоиздан 75,5 фоизгача ортгани эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий тақдорларининг кафолати ва та-

янчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи кучига айлантирди.

— Утган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси метёғлари асосида қонун ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, бевосита соҳани тартибга солувчи 500га яқин метёғрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши мулкдорлар қатламининг ривожланишида ишончли ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Шоира Ҳайдарова.

— «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий корхона тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қатор қонунлар, Ер, Солиқ ва Божхона кодекслари амалиётга жорий этилиб, уларда Бош қомусимизда белгилаб берилган асосий йўналишлар ақс эттирилди. Натижанда мулкдорлар ўз мулкига эгаллик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлди. Бир вақтлар «ола кўз» билан қаралган хусусий мулкдор эҳдиликда ўз мулкига эгаллик ҳиссини теган ҳис эга бошлади.

— Сунги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиб унун руҳсат олиш, солиқ, молия

ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш, соҳада қонунчилик асосларини такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишларнинг олиб борилгани тадбиркорлик субъектлари сонининг ортишига шароит яратди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Одижон Аширов. — Хусусан, республикамиз бўйича жорий йилнинг 9 ойида ҳам 18,4 мингта янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, хусусий сектор вакилларининг умумий сони қарийб 470 мингдан ошганини таъминлади. Бу, ўз навбатида, ички бозорни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирди, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш ва шу асосда уларнинг муносиб даромад топиши, эртанги кунга ишонч билан қарашига эришишдаги имкониятларимизни янада кенгайтиради, деганидир.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ўзбек миллий давлатчилигини шакллантириш жараёнида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Бош қомусимиз асосида Ўзбекистоннинг мустақил суверен давлат эканлиги, давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўлиши принципига асосланиш белгилаб қўйилди. Фуқаролик жамияти институтлари фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди. Жаҳон харитасида ҳаққор муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланган, дунё ҳамжа-

миятида ўзининг муносиб ва мустақам ўрнига эга бўлган Ўзбекистон, деб аталмиш янги демократик давлат пайдо бўлди. Бугун ана шу мустақам пойдевор асосида мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври — миллий тараққиётимизнинг кейинги мантқий босқичи изчил давом этмоқда.

Ушбу босқич Конституциямиз қондаларига мос равишда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» тамойиллари асосида давлат бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, сўз эркинлиги ва нодавлат нотижорот ташкилотлари эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ҳамда бозор иқтисодиётини янада либераллаштиришни назарда тутди. Мазкур ҳужжат, айниқса, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишида олиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтарди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада кенгайтиришга хизмат қилди. Тадбиркорликнинг ривожланиши нафақат мулкка эгаллик ҳиссини орттирди, балки эртанги кунга дахлдорлик ва ўзинга бўлган ишончнинг ҳам янада мустақамлашди. Шу маънода ҳам давлатимизнинг асосий қонуни — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар бир бандини ижтимоий ҳаётимизда янада чуқурроқ жорий этиш эртанги кунимизнинг осойишталиги ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.



Ахборот хуружи йўлидаги мустақам тўсиқ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИ ТОМОНИДАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ ҲАМДА МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲАМКОРЛИГИДА ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ «ЁШЛАРНИ АХБОРОТ-ПСИХОЛОГИК ХУРУЖЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНДИ

Фахриддин СОЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Миллий қонунчилигимизда ҳам ёшларни носоғлом ахборотлардан ҳимоялаш механизмлари мавжуд. Хусусан, «Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунда Ўзбекистонда

қаро амалиётда ахборот соҳасини тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур таҳлил этиш асосида «Воёга етмаганларнинг соғлиги ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зиён етказувчи ахборотлардан ҳимо-

Тадбирда алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимизда ахборот-коммуникация соҳасида олиб борилган изчил ислоҳотлар туфайли бугун 1294 та оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатаётган бўлса, шундан 160 та яқини газета ва журналлардир. Бундан ташқари, мавжуд веб-сайтларнинг 30 фоиздан ортиги болалар ва ёшлар мавзусини ёритишга ихтисослашганини ҳам таъкидлаш мумкин. Замонавий АКТ негизида «ZiyoNET» ёшлар ахборот портали, 2863 та ахборот-ресурс маркази ташкил этилган, интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 10 миллионга яқинлашгани ахборот ёшлар ҳаётида улкан аҳамият касб этаётганидан дарак бермоқда.

Бироқ глобализация ва ахборот сийёсий, ғоявий ва алоқий жиҳатдан бузғунчи қучлар интернет тармоқидан фойдаланиб, ўзларининг геосийёсий, иқтисодий, диний, ирқий ва бошқа ғаразли манфаатлари йўлида агрессив ахборотларни тарқатиш, ҳади онги ва ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни жалб этиш, улар қалбини эгаллаш йўлидаги интиқилишлари тобора кучли тус олаётгани натижасида миллий қадриятлар ҳамда ахлоқ қондаларига хуруж қилинаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бундай ҳолатлар дунё жамоатчилигини хавотир ва ташвишга солмоқда, десак муболага бўлмайди. Шундай экан, носоғлом ахборот оқимидан ёшларни ҳимоялаш учун қандай ҳуқуқий механизмлар мавжуд, деган савол туғилади?

Маълумки, БМТнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциясининг 32-моддасида боланинг соғлиги учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ёки таълим олишга тўсиқлик қиладиган, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишга зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиш борасида қонуний, маъмурий ва ижтимоий чоралар кўриш белгилаб қўйилган.

Миллий ахборот маконига чегара қўйиб бўлмаслигини назарда тутиб, ёш авлод соғлиги ва маънавий оламнинг дахлсизлигини таъминлайдиган, вайронкорлик ва бузғунчилик мазмундаги ахборот оқимидан ҳимоялаш чоратадбирларини янада кучайтириш лозим.

ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан, зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатлар ман этилиши, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда эса порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болалар онгига зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланиши белгиланган. Аммо бугунги ахборот маконидagi тендициялар, ахборот экспансияси, агрессив ахборотларнинг кучайиши миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Конференция иштирокчилари ахборот маконига глобализация билан рақобат шароитида мафқуравий иммунитетни шакллантириш, ёш авлоднинг медиа саводхонлиги ва интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш, миллий сегментни ривожлантириш, ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилиш технологияларининг назарий асосларини такомиллаштириш юзасидан амалий аҳамиятга эга тақлифларни илгари сурдилар.

Маълумки, ёшлар асосан ахборот таъсири ва муҳитида дунёни кашф этиш, мустақил ҳаётга тайёрланиш. Ахборот ўзининг мазмуни ва хилма-хиллигини ҳам тезлаштиргани бежиз таъкидламадилар. Демак, миллий ахборот маконига чегара қўйиб бўлмаслигини назарда тутиб, ёш авлод соғлиги ва маънавий оламнинг дахлсизлигини таъминлайдиган, вайронкорлик ва бузғунчилик мазмундаги ахборот оқимидан ҳимоялаш чора-тадбирларини янада кучайтириш лозим.

Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг sanoat маркази



Фахриддин ЗОЙРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Бугун Ўзбекистонда 20 та халқаро транспорт коридори бўлиб, Бухоро вилоятидан ўтган йirik 2 та халқаро автомобиль йўли Фарбий Европани Шарқий Осиё билан боғламоқда. Айни пайтда республикамизнинг шиомоли-фарбий томондан Бейнеу, жануби-фарбий томондан эса Олоғ, жануб томондан Термиз ва шарқий томондан Андижон орқали қўшни давлатларга чиқувчи миллий автомагистрал узунлиги 2755 км.ни ташкил қилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки даврларида Ўзбекистонда экспорт-импорт юкларини ташини асосан шиомолий йўналишдаги транспорт йўлақлари орқали амалга оширилган бўлса, бугунга келиб ташқи савдо юкларини 10 га яқин йўналишлар орқали жаҳон бозорига етказиш имконияти юзага келди.

Натижада экспорт-импорт юкларининг 50 фоиздан ортиги ағъанавий йўлақларга нисбатан қулай ва иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлган муқобил йўлақлар орқали ташилмоқда.

Қайд этиш лозимки, ҳозирда Озарбайжон, Грузия ва Туркия билан ҳамкорликда амалга оширилаётган «Баку — Тбилиси — Ахалкалаки — Карс» темир йўлини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳасининг яқин келажакда яқунлаштириш экспорт юкларини Кавказ орқали бевосита турк портлари ва қуриля-

ши тугалланаётган «Мармарай» тоннели орқали Европага ташиш имконини яратади.

Ана шуларни эътиборга олиб, мазкур ташувларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосини яратиш борасида ҳам изчил ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Озарбайжон билан шакллантирилаётган янги йўлақ бўйича транзит ташувлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш тўғрисида икки томонлама, Туркия ва Ўзбекистон темир йўллари маъмуриятлари ўртасида эса халқаро темирйўл ташувлари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Бундан ташқари, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг транспорт таъминотида ағъанавий йўлақлардан фойдаланишга бўлган эҳтиёжни камайтириш мақсадида экспорт юкларини «Хоргос» чегара ўтиш халқаро маркази ва Қозғистон орқали Хитойга темир йўл орқали ташини ташкил қилиш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Мазкур йўналиш Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги масофани 700 км. қисқартириш ҳисобига транспорт харажатларининг камайтирилишига ва, ўз навбатида, экспорт товарларининг Хитой бозорига рақобатбардошлигини оқинишга замин яратади.

Мамлакатимизда автомобиль ва темир йўллар қуриш, мавжуд

транзит йўналишларини халқаро стандартларга мослаш, халқаро логистика марказлари ва терминаллар барпо этиш, аэропортларни модернизация қилиш бўйича ҳам йirik лойиҳалар амалга ошириляпти.

Жумладан, «Навоий-Учкудук-Султонувайстог-Нукус» ва «Тошгузор-Бойсун-Қумқўрган» темир йўллари қуриш бўйича босқичма-босқич амалга оширилган лойиҳалар мамлакатимизнинг жанубий, шиомолий ва марказий худдалари ўртасида қўшни давлатлар орқали ўтмасликни таъминловчи уз-дунга темирйўл алоқасини таъминлабгина қолмай, мазкур худдаларнинг иқтисодини ва ижтимоий жиҳатдан ривожланишида ҳам муҳим омил бўлди.

Хусусан, кейинги беш йилда фақатгина Афғонистонга ташиляётган юклар ҳажми йилига 20 фоиздан ўсиб бораётганини инобатга олсак, «Тошгузор-Бойсун-Қумқўрган» темир йўлининг келажакда республика транзит йўналишлари орасида салмоқли ўрин тутиши аён бўлади.

Шу ўринда темирйўлчиларимизнинг Афғонистон худудидан муваффақиятли амалга оширган «Хайратон — Мозори Шариф» янги темир йўлини қуриш лойиҳаси республика транзит салоҳиятини янада ошириш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлганини қайта олиш мумкин. Чунки янги темир йўл экспорта ва транзит юкларни бевосита Афғонистоннинг Найбобод ва Мозори Шариф шаҳарларига таширидан-тўғри етказиш имконини яратиб берди.

Бугун мамлакатимизда автомобиль йўллари инфраструктураси ҳам изчил ривожлантирилмоқда. Айниқса, Президентини

мизнинг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан миллий автомагистрал таркибига кирувчи халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш дастури қабул қилинган соҳадаги ислоҳотларни жадаллаштириш имконини берди.

Шу ўринда Ўзбекистонда халқаро автомобиль ташувларини амалга ошириш учун муайян ҳуқуқий база яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Халқаро автомобиль ташувлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасида 27 та икки томонлама халқаро битим имзоланган бўлса, Ўзбекистон автомобиль ташувларини тартибга солувчи 9 та халқаро конвенция, 2 та халқаро битим иштирокчиси ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда экспортта чиқариляётган юкларни истеъмолчиларга етказиб беришнинг оптимал йўналишларини шакллантириш борасида изчил ишлар давом эттирилямоқда.

Бунда, айниқса, Президентимиз Ислом Қаримов томонидан илгари сурилган Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Уммон-Қатар ва Форс кўрфазининг бошқа мамлакатлари орқали ўтадиган транспорт йўлақини ташкил этиш халқаро битимини тузиш ташаббуси алоҳида ўрин тутди. Ушбу йўлақ Ўрта Осиё мамлакатларини Форс кўрфазини билан боғлаб, унда иштирок этувчи мамлакатлар орасида савдо-иқтисодий алоқаларнинг мустақамланишига, транзит юк оқимининг қўлайиши ҳамда дунё бозорига янги алоқа йўли очилишига олиб келади.

ИСЛОҲОТ

Бухорода ислоҳотлар изчиллиги таъминланмоқда



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Зумрад АБРОРОВА,
Асхор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Худудий инвестиция дастури доирасида 17,2 миллион АҚШ доллари жалб этилиб, янги ташкил этилган ишлаб чиқариш лойиҳалари ҳисобидан 5,8 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Утган 9 ойда жами 1,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилингани, аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида 59 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилгани ҳам Бухоро вилоятида ислоҳотлар изчиллиги таъминланаётганидан далолат беради.

Маълумки, Когон ижтимоий-иқтисодий салоҳияти жиҳатдан Бухоро вилоятидаги иккинчи йirik шаҳар ҳисобланади. Аини пайтда sanoat ва транспорт маркази саналган ушбу худудда 56 минг киши истиқомат қилаяпти.

«Когон ёт-экстракция заводи», «Когондонмаҳсулотлари», «Когон Олтин тола» акциядорлик жамиятлари, «Бухорогилс» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси, «Трубодеталь» унитар корхонаси сингари йirik ишлаб чиқариш мажмуалари қаторида Когонда 320 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти, 300 га яқин микрофирма фаолият олиб бормоқда.

Когонда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Бухоро минтақавий темир йўл узелли» айниқса катта салоҳиятга эга эканини таъкидлаш лозим. 15 та турлош корхона, турли йўналишларга ихтисослашган ташкилот ва муассасалар, 65 та станция ва разъездларни бирлаштирган ушбу компания фаолияти худудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, халқ турмуш фаровонлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, ҳозирги кунда вилоятлараро «Бухоро-Мароқанд», «Бухоро-Қарши», «Бухоро-Тинчлик-Учкудук» ҳамда «Бухоро-Хўжадавлар» йўналишларида поездлар қатнови йўлга қўйилган бўлиб, йўловчи ва юклар ташини ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 25,8 миллион тоннадан зиёд юк ташиллиб, унинг айланма ҳажми 5,107 минг тонна километрга етгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Темир йўл узелининг Бухоро, Тинчлик, Навоий локомотив ҳамда вагон деполарида, шунингдек, Бухоро, Зивуддин, Учкудук темир йўл корхоналарида ҳам аини пайтда қизгин иш олиб бориляпти.

Шаҳар ҳокимлиги мутасаддиларининг фикрича, мазкур корхона ободонлаштириш ва кўркамлаштириш ишлари ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Жумладан, улкан жамоа савъ-ҳаракати билан Бухоро шох қўчаси янгилан таъмирланиб, 80 дан ортиқ тунги ёриткичлар учун 37 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бугун Когонда 281 та кичик бизнес субъекти фаолият олиб бораёпти. Аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида жорий йил давомида 3438 та янги иш ўрни яратилди. Уларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхона ва ташкилотларни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига яратилди.

Шунингдек, 76 миллион сўм эвазига 4 та тик қудуқ қайта таъмирланди. Темир йўл вокзали кесимида Утадиган юқори босимли, 219 миллиметр диаметри ер ости табиий газ қувурининг 320 метрлик қисми ҳам муқаммал таъмирдан чиқарилди.

Айниқса, «Қишлоқ қурилиш банки» ва ташқи иқтисодий фаолият «Миллий банки» Когон филиали биноларининг янгилан қурилгани шаҳар хуснига ҳусн қўша бошлади. Бу ерда давлат инвестиция дастурига мувофиқ барпо этилган санитария-эпидемиология назорати маркази ҳамда шаҳар молия бўлими биноларини қуриш учун 2 миллиард 300 миллион сўм сарфлангани ҳам бу борадаги ишлар кўламининг кенглигидан дарак беради.

Шаҳарда тиббий хизмат сифатини яхшилаш, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш ҳам тегишли ташкилот ва муассасалар эътиборида. Масалан, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази худудий бўлимини янги тиббий жиҳозлар, асбоб-ускуна-

лар билан таъминлаш учун 40 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланган бўлса, шаҳар касалхонасининг янги биносини барпо этишга 9 миллиард сўм ажратилди. 140 ўринли мазкур шифохона мустақиллигимизнинг 21 йиллиги тантаналари арафасида фойдаланишга топширилди. Дарҳақиқат, «Когон шаҳрини 2008-2012 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури»га биноан амалга оширилган ишлар кишида фахрлангун туйғусини уйғотади. Ушбу дастурда кўзда тутилган 110 та лойиҳадан ҳозиргача 60 га яқини тўлиқ бажарилди. Барча дастурлар ижросини таъминлаш мақсадида шаҳар буйича 2008-2012 йиллар мобайнида жами 29 миллиард 441 миллион сўм маблағ сарфланиб, 35,1 миллион АҚШ доллари миқдоридан хорижий инвестиция киритилди.

Бевосита давлат инвестиция дастури доирасида 14 миллиард сўм, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК томонидан 3,4 миллиард сўм, ма-

ҳаллий бюджет ҳамда тижорат банклари томонидан 5,1 миллиард сўм, «Ўзтрансгаз» ОАЖ ҳисобидан эса 2,7 миллиард сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида шаҳарда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиш суръатларига эришилгани, sanoat, қурилиш соҳасидаги ислоҳотлар, тармоқларга жалб қилинган инвестициялар ҳам қутилган натижа бераётганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, шу йилнинг январь-сентябрь ойларида шаҳар буйича 111184,5 миллион сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу, ўз навбатида, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (солштирма нархларда) 107,2 фоизни ташкил этди. Худудий инвестиция дастури доирасида барча манбалар ҳисобидан 210 минг доллар миқдоридаги инвестиция жалб этилди. Бундан ташқари, шаҳарда фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг ташқи савдо айланмаси 15478,6 минг АҚШ доллари, шу жумладан, экспорт 11998,7 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Шаҳарда сервис хизматини яхшилаш буйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Унинг жами ҳажми жорий йилнинг 9 ойида 78,6 миллиард сўмга етиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 115,7 фоизга бажарилди. Савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари буйича эса 12,5 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110,4 фоизга тенг бўлди. Шаҳарда пуллик хизмат кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор берилгани натижасида аҳолига 18,8 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди.

Бугун Когонда 281 та кичик бизнес субъекти фаолият олиб бораёпти. Аҳоли бандлигини таъминлаш дастури доирасида жорий йил давомида 3438 та янги иш ўрни яратилди. Уларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, корхона ва ташкилотларни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига яратилди.

Когонда «Мустаҳкам оила йили» Давлат ва худудий дастурларда белгиланган тадбирлар учун 13,1 миллиард сўм сарфланганлиги, кам таъминланган оилаларнинг 240 нафар фарзандига 3,5 миллион сўмлик спорт кийимлари харид қилингани эса эътиҳаман оилаларга алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатлади.

Хуллас, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида олиб борилаётган ишлар кўлами низоҳатда кенг бўлиб, бу қалби яратувчилик ишқи билан ёнган когонликлар шижоатидан дарак бериб турибди.



Навоийда тадбиркорлик фаровонлик асосига айланди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Шухрат РАХИМОВ,
«XXI ASR»

Маълумки, ҳар қандай тармоқ ва худуд тараққиётида кредит ва инвестициялар муҳим аҳамиятга эгалар. Шу маънода, январь-сентябрь ойларида вилоятда 44,6 млрд. сўмлик хорижий инвестиция ва кредитлар жалб этилгани натижасида 196 та янги ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Шунингдек, 493 та кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 36,7 фоизга ошди.

Навоийда қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш ва яқка тартибдаги уй-жойлар қуриши, янги массивларда баруру инфратузилмани шакллантириш борасида ишлар ҳам изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида намунавий лойиҳалар асосида 8 та тумандаги 20 та массивда умумий қиймати 53,0 млрд. сўмлик 500 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда ушбу худудларда 19,5 километрик сув, 7,4 километрик электр ва 7,0 километрик газ тармоқлари қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга молиявий кўмак бериш буйича белгиланган чора-тадбирларга асосан тижорат банклари томонидан 7,5 млрд. сўмдан зиёд кредит ажратилди.

Ана шундай чора-тадбирлар натижасида вилоят буйича 33,5 мингта янги иш ўрни яратилиб, шундан 24,7 мингтаси бевосита қишлоқ жойларда ташкил этилди. Янги иш ўринларининг 74,5 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди. Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга молиявий кўмак бериш буйича белгиланган чора-тадбирларга асосан тижорат банклари томонидан 7,5 млрд. сўмдан зиёд кредит ажратилди.

— Юртимиз келажаги бўлган навқирон авлод вакиллари фаровонликнинг бош омили саналган тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришда партиямиз аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқдалар, — дейди О'зLiDeP Навоий вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Дилшод Мамаражабов. — Ўз бизнесини йўлга қўйишни истаган ёшларга режа тузиш ва уни амалга ошириш учун молия му-

ассасаларидан имтиёзли кредит ажратишида партиявий лойиҳалар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу борада Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда аниқ чоралар дастури ишлаб чиқилиб, ушбу ҳужжат тарғибот-ташвиқот ишларини янада қучайтиришга хизмат қилмоқда.

Жумладан, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган семинарларда фаолларимиздан ташқари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли соҳа вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар.

Навоий давлат педагогика институтида уюштирилган «Мулкдор оила — фаровон жамият бунёдкори» форуми эса ўз атрофида 275 кишини бирлаштирди. Сенатор ва фермерлар, депутатлар ва коллеж битирувчилари, банк ходимлари ва тадбиркорларни жамулжам қилган нуфузли тадбирда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш буйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ва тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар қизгин муҳокама қилинди.

О'зLiDeP Навоий вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсатномалар бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масалалари: бугунги ҳолат, муаммо ва ечимлари», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қийматли қозғалар бозорини ривожлантиришнинг долзарб масалалари», «Лизинг ва сугурталаш механизмларини янада такомиллаштириш, аудиторлик фаолияти ва фонд бозоридан хизмат кўрсатишни ривожлантириш» мавзуларидаги давра суҳбатларида ҳам асосий эътибор электрорат манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилди.

Бир сўз билан айтганда, О'зLiDeP Сийосий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2012 йил 10 июлдаги фармойишига асосан ташкил этилган халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг худудий ўқув-семинарларида партия дастурий мақсадларидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

ХАБАРЛАР

«AGROFOOD-2012» GA MARXAMAT QILING!

28-30 ноябрь кунлари «Пойтахт» бизнес-марказида «Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат sanoati — AgroFood-2012» мавзуида халқаро конференция ҳамда кўргазма бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси матбуот хизматидан хабар қилинишича, БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистон бизнес-форуми» лойиҳаси муаллифлари томонидан ССР, О'зLiDeP, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Парранда-саноат» ва Озиқ-овқат корхоналари ассоциациялари билан ҳамкорликда ўтказилайдиган анжуманда фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида инновацион ғояларни жорий этган ҳолда тажриба алмашинувини йўлга қўйиш, озиқ-овқат корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари вакиллари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологиялари билан таништириш, соҳага тааллуқли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган.

Халқаро конференцияда тадбиркор ва фермер хўжаликлари вакиллари билан ташқари халқаро экспертлар, шунингдек, илмий-текшириш институтлари ҳамда технология ва ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналар вакиллари иштирок этиши ҳам кўзда тутилган.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА БИРИНЧИ

Намангандаги «Махсусметаллсаноат» масъулияти чекланган жамиятида Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб автомобиллар учун юқори босимли газ баллонлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Мутахассислар мазкур лойиҳа маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилганини таъкидламоқдалар. Унга кўра, жорий йил охиригача бу ерда 32 минг донга ёки 9,2 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Аини пайтда 2,3 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобига ўрнатилган технологик линия қувватлари ўзлаштирилмоқда. Ушбу линия тўлиқ жорий қилиниши билан корхонада 55 киши иш билан таъминланади.

ҚАРШИДА ЯНА БИР ЯНГИ МАЖМУА

Қарши шаҳридаги «Qarshi 16-son avtobus saroyi» ОАЖнинг мулкий мажмуаси негизда ипакни қайта ишлайдиган замонавий комплекс ташкил этиладиган бўлди. Бунинг учун тугатилган ОАЖнинг бино ва иншоотларини масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Radiant Silk» қўшма корхонасига сотиш кўзда тутилган. Маълумотларга кўра, камида 3 млн. АҚШ доллари (шу жумладан, 2014 йилнинг 1 январига қадар 1,8 млн., 2015 йилнинг 1 январига қадар 1,2 млн. доллар) миқдоридаги инвестиция маблағларини жалб этадиган мазкур лойиҳа амалга ошгач, корхона бир йилда 120 тонна хом ипак (2013 йилда) ва 500 минг погон (2014 йилда) метр ипак газлама ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Эътиборлиси, камида 200 нафар кишини иш билан таъминлайдиган «Radiant Silk» қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 80 фоизи экспорт қилинади.

ХОРАЗМ ҚОВУНЛАРИ — КОРЕЯДА

Хоразм вилоят ҳокимлиги ахборот хизматидан хабар қилинишича, бу йил «Шовот Қоракум» фермер хўжалиги томонидан қиймати 17 минг АҚШ долларига тенг бўлган 35 тонна қовун Россияга экспорт қилинди. Шу кунгача 20 тонна маҳсулотини Жанубий Кореяга экспорт қилган «Хоразм қовунлари» МЧЖ эса йил охирига қадар яна 60 тонна маҳсулотни хорижий мижозларга етказиб беришни режалаштирмоқда.



О'ZLIDER ҚОНЛИҚҮЛ ТУМАН КЕНГАШИДА
«Оғоҳлик ва хушёрлик — давр талаби» мавзuida амалий семинар ташкил этилди. БПТ раислари ва партия фаоллари иштирок этган ушбу тадбирда ёшларни миллий ғоя ва анъаналарга ёт зараран таъсирлардан асраш, уларда юксак маънавият ва юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини шакллантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.



О'ZLIDER КАТТАҚҮРҒОН ТУМАН КЕНГАШИ ТИЗИМИДАГИ
бошланғич ташкилотлар сон 46 тага етди. Тумандаги илгор тадбиркорлик субъектларидан бири — «ИНТЕКО ГАЗ» МЧЖ қошидаги янги БПТга корхона раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати З.Разақов етакчилик қилмоқда.



МАРҲАМАТ ТУМАНИ
Ер тузми ва кўчмас мулк давлат кадастри қошидаги БПТда «XXI asr» газетасининг 2012 йил 25 октябрь сонидан чоп этилган «Фармон фермерлик фаолиятини янги босқичга олиб чиқади» мақолаи юзасидан давра суҳбати бўлиб ўтди. Иштирокчилар мақолада кўтарилган масалаларни атрофлича муҳокама қилиб, тегишли вазифаларни белгилаб олдилар.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

47 (471)-сон

e-mail: azborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

2012 йил

22

ноябрь,
пайшанба

Партиявий масъулият электорат ишончини қозонишдан бошланади

— АҲОЛИ ОРАСИДА ПАРТИЯ МАВҚЕИНИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАШ ЭЛЕКТОРАТ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ УЧУН МУСТАҲҚАМ ЗАМИНДИР, — ДЕЙДИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ «АНДИЖОНКАБЕЛЬ» ОАЖ ҚОШИДАГИ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ЕТАКЧИСИ, О'ZLIDER СИЁСИЙ КЕНГАШИ АЪЗОСИ АЛИШЕР АБДУЛЛАЕВ



Хуршида ЧОРШАНБИЕВА

— Бу борада қандай фаолият юришти О'zLiDeP Низоми ҳамда Дастурида ўз ифодасини топган. Хусусан, дастурда кўрсатилганидек, либерал-демократик ғоя ва мақсадларни кенг аҳоли онгига сингдириш, маслақдошларимиз сафларини кенгайтиришга йўналтирилган, ҳар томонлама чуқур ўйланган партия сиёсатини тарғиб этиш лозим. Бу саъй-ҳаракатлар эса партиянинг электоратга энг яқин бўғини — бошланғич ташкилотларда кечад ва кейинги жараёнлардаги натижани белгилаб беради. Ҳар бир ташкилотда аҳолининг маълум бир қатламлари уюшганини инobatта олсак, бундай ташвиқот орқали деярли бутун мамлакат аҳолисини қамраб олиш мумкинлигини англаш қийин эмас.

Суҳбатдошимизнинг фикрларида жон бор, албатта. Чунки «Ўзлтексаноат» уюшмаси тизимидаги «Андиджонкабель» ОАЖда 1500дан зиёд ишчи-ҳодим меҳнат қилади. Либерал-демократик ғояларни улар онгига етказиш эса О'zLiDeP мақсад ва ғояларининг 1000 дан зиёд хонадонга кириб боришини, сайловлар жараёнида партияимиз номзодларига ишонч билдирилишини таъминлашни шубҳасиз.

— Партияимиз фаоллари олиб бораётган ишлар натижасида айни пайтда корхона фаолиятини партиявий фаолиятдан айрича ҳолда тасаввур қилиш қийин бўлиб қолди. — дейди БПТ етакчиси. — Ишчи-ҳодимларда сиёсий кўникмаларни шакллантириш мақсадида халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари билан учрашувлар мунтазам йўлга қўйилган. Шу ва бошқа тадбирларда қонунчиликдаги янгиликлар, партияимиз

БПТ аъзоларининг аксариятини ташкил этувчи ёшларнинг хорижий тилларни пухта эгаллагани, янгича қарашдаги мутахассислар экани чет элликлар билан музокараларда манфаатларимизни ҳимоя қилиш имконини кенгайтираётди. Корхона ходимларининг 29,1 фоизи, яъни 434 нафарини 30 ёшгача бўлган, юқори лавозимларда ишлаётган йигит-қизлар ташкил этиши эса уларга бўлган эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади

фракцияси илгари сураётган янги қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилиниб, улар юзасидан амалий тақлиф ва тавсиялар берилмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асари ва Концепциясига бағишланган тадбирлар эса жамоа аъзоларининг сиёсий жараёнларга қизиқишини кучайтириб, уларда фаол фуқаролик позицияси юксалишига хизмат қилди, албатта. Қолаверса, жамоада шаклланган ташаббускорлик руҳи корхона иш унумининг ҳам юқори бўлишига хизмат қилмоқда. Хусусан, ана шундай ташаббускор вакиллари-миздан стандартизация муҳандиси Людмила Краснова ҳамда 11-цех бошлиғи Абдумажит Тиллабоев «Дўстлик» ордени, 5-цех бошлиғи Солижон Далабоев ва бош технолог ўринбосари Мадаминбек Бўтаев «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланишган бўлса, sanoat электроникаси бўлими бошлиғи Тўлқин Алиева «Электротехника sanoati фах-

рий ходими», корхона бош директори Яркинбек Адыловга «Ўзбекистон Республикаси sanoatiда хизмат кўрсатган ходим» фахри унвонлари берилган.


— Жамоа аъзоларида ислохотлар

жараёни ва эришилаётган муваффақиятларга дахлдорлик ҳиссини уйғотишда О'zLiDeP фаолларининг хизматлари алоҳида, — дея эътироф этади импорт-экспорт маркази бошлиғи Светлана Мамажонова. — Уларнинг саъй-ҳаракати боис корхона ишчилари меҳнат жараёнига юртимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигини ошириш учун қўшилаётган ҳисса тимсоли сифатида қарашга ўрганишди. Мамлакатимиз тараққиёти учун ҳар бир фуқаро масъуллигини, бу борада ҳар биримизнинг овозимиз ҳал қилувчи роль ўйнашини яхши англашмоқда. Натижада корхона ходимларининг меҳнатга ва яратувчанликка бўлган иштиқлари ортиб бормоқда.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган мис ва алюминий симли кабель-ўтказгич маҳсулотлари, тоғкон, қурилиш ва кимё sanoatiда кенг қўлланиладиган металл сим турлар ва кенг ассортиментдаги пластик мой ҳамда намдан сақловчи материалларнинг 45 фоизи ички бозорда сотилса, 55 фоизи экспортга жўнатилади, — дейди БПТ етакчиси. — Корхонамиздаги БПТ аъзоларининг аксариятини ташкил этувчи ёшларнинг кўпчилиги хорижий тилларни пухта эгаллаган, янгича қарашдаги мутахассислар экани боис чет элликлар билан музокаралар жараёнида манфаатларимизни ҳимоя қилишда уларнинг ёрдами катта бўлаётди. Корхона ходимларининг 29,1 фоизи, яъни 434 нафарини 30 ёшгача бўлган, юқори лавозимларда ишлаётган йигит-қизлар ташкил этиши ёшларга эътиборни янада кучайтиришимизни тақозо этади, албатта. Айниқса, Хонобод шаҳридаги информатсион технологиялар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни ишлаб чиқариш жараёнига мослашув жараёнига тезлаштириш мақсадида ёнги таътил даврида бевосита корхонада амалиёт ўташлари йўлга қўйилди. Утган мавсумда ҳам мазкур коллеж битирувчиларининг 24 нафари ана шу лойиҳада иштирок этди. Шу билан бирга, олий маълумотли ёш кадрларга бўлган талабни қондириш мақсадида корхона Турин политехника университети, Фарғона ва Самарқанд техника университетининг беш нафар талабасининг таълим учун шарҳнома пулларини тўлаб келмоқда.

ТўРАҚҮРҒОНДА ДАВРА СУҲБАТИ

Ташки иқтисодий фаолият миллий банкининг Тўрақўрғон туман бўлими қошидаги БПТда «Сиёсий партияларнинг мақсад ва вазифалари, улар ғоясидаги фарқлар» мавзuida давра суҳбати ташкил этилди. Депутатлар ва банк ходимлари иштирок этган тадбирда сиёсий партиялар фаолияти таҳлил қилиниб, уларнинг жамият ҳаёти ва давлат бошқарувини шакллантиришдаги роли хусусида фикр алмашилди.



Ромитанда шундай БПТ бор

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АЙНИ КУНДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИДИР. О'ZLIDERНИНГ ДАСТУРИЙ РЕЖАЛАРИДА ҲАМ УШБУ МАСАЛАГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН

Асқор ИСТАМОВ,
«XXI ASR»

Ромитан туманидаги давлат санитария-эпидемиология назорати маркази жамоаси аҳоли саломатлиги йўлида сиққидилган хизмат қилиш билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Бу ердаги бошланғич ташкилот партиявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш, маслақдошларнинг билим ва малакасини ошириш борасида етарли тажриба тўплаган, десак асло хато қилмаймиз. Зеро, жамоада меҳнат қилаётган 58 тиббий ходимнинг 11 нафари О'zLiDeP аъзоси бўлиб, улар нафақат касбий маҳорати, балки партиявий ва жамоатчилик ишлардаги фаоллиги билан ҳам бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Шу билан ҳам мазкур куйи бугун тумандаги 819 нафар аъзонни бирлаштирган 42 та БПТ орасида энг намуналилардан бири ҳисобланади.

БПТ фаоллари тумандаги корхона ва ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртларида тез-тез бўлиб, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Концепция мазмун-моҳиятини атрофлича тушуниришга, О'zLiDePнинг дастурий ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб

этишга ҳаракат қилмоқдалар. Қолаверса, ҳозирги ислохотлар жараёни ҳар бир кишидан сиёсий фаоллиқни талаб этади. Тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйишда партия аъзолари — Зебо Доннёрва, Жамила Болтаева, Йулдош Нафасов, Абдулла Бекбурдов ва бошқаларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Хусусан, О'zLiDeP вилоят ва туман кенгашлари томонидан жойларда ташкил этилаётган ўқув-семинарлари БПТ раисларининг сиёсий билим ҳамда дунёқарашини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Бугунги кунда туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази қошида ичимлик сув таркиби ва қаттиқлигини, барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини назорат қилишга ихтисослашган санитария-гигиена лабораториялари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, буларнинг барчаси аҳоли саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда. Юқумли касалликларнинг олдини олиш учун қатор ўқув масканлари, жумладан, 4-, 5-, 27- ва 41-умумтаълим мактабларининг 7 ёшдан 11 ёшгача бўлган ўғил-қизларига йил охиригача бепул дори-дармон тарқатиш режаси ишлаб чиқилган. БПТ фаолларининг саъй-ҳаракати билан айни кунда ушбу режа ҳам жойларда изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мақсад эса ягона — жамиятимизда маънан етук, жиҳмонан соғлом авлодни камол топтиришга муносиб ҳисса қўйишдан иборат.

КўКСАРОЙДА ЯНГИ ҚУЙИ БЎҒИНИ

Кўксарой —Оҳангарон туманининг Наманган билан чегарадош чекка қишлоқларидан бири. Яқинда бу ердаги қишлоқ фуқаролар йиғини қошида О'zLiDeP бошланғич ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Унга изланувчан, тадбиркор аёл Ҳабиба Менглиева етакчилик қилмоқда. БПТ аъзолари 11 кишидан иборат бўлиб, улар партия дастурий режаларини рўйбга чиқариш, муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этиш, шу орқали турмуш маданияти ва аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўйишни ўз олдидларга асосий вазифа қилиб қўйишган. Шунинг ҳам айтиш керакки, БПТ раисининг саъй-ҳаракати билан яқинда «Довон» савдо дўкони фойдаланишга топширилди. Натижада 40 та янги иш ўрни яратилди.

Жасур ЮЛДАШЕВ, О'zLiDeP Оҳангарон туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида
2013 йил учун

XXI ASR

ижтимоий-сиёсий газетасига

ОБУНА

бошланди.

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80



БАНК ТИЗИМИ

Реклама ўрнида

Давр билан ҳамқадам

БУГУН ЮРТИМИЗДА ЎТТИЗГА ЯҚИН БАНК, УЛАРНИНГ ТЎҚҚИЗ МИНГДАН ЗИЁД ФИЛИАЛ ВА МИНИ БАНКЛАРИ БЎЛИБ, УЛАР СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИДА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ИЗЧИЛ АМАЛГА ОШИРИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР

Носир ТОШЕВ,
«XXI ASR»

«Халқ банки»нинг Наманган вилоят филиали жамоаси ҳам ана шундай янгиланишлар жараёнида мижоз манфаатидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бормоқда. Айни пайтда жойларда банкнинг 12 та филиали, 20 та мини банки, 92 та шохобча ва 53 та махсус кассалари орқали аҳолига беминнат хизмат кўрсатиляпти.

Таъкидлаш жоизки, кредит сармоялари асосан иқтисодийнинг устувор соҳаларига йўналтирилмоқда. Бунда асосий эътибор турмуш фаровонлигини оширишнинг ҳал қилувчи омил бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштириш, жойларда тўлов тизимини узлуксиз ва самарали ташкил этишга қаратилаяпти. Жорий йилнинг 1 ноябрига қадар ана шу мақсадлар учун 27 миллиард 505 миллион сўм миқдорда кредит ажратилганлиги фикримиз исботидир. Натijaда вилоят ҳудудда қўшимча иш ўринлари кўпайиб, янгидан-янги маҳаллий sanoat корхоналари фойдаланишга топширилмоқда. Масалан, Поп туманидаги «Файз нон савдо» масъулияти чекланган жамиятини олайлик. Банкнинг 700 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига замонавий ускуналар харид қилиниб, бир неча турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда бу ерда 20 киши доимий иш билан таъминланган. Тайёрланган нон ва нон маҳсулотлари эса эл-ўрт дастурхонини обод қилмоқда.

Президентимизнинг «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш йўлида барча молиявий имкониятлардан фойдаланилмоқда. Жорий йилнинг 1 ноябрига қадар маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб



чиқаришга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари учун 9 миллиард 925 миллион сўмга яқин кредит маблағи ажратилганлиги ҳам шундан dalolat беради.

Маълумки, мустақил ҳаёт кўрган ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уй-жой, маданий-маиший шароитларини яхшилашда уларга яқиндан кўмаклашиш ҳозирги кундаги муҳим вазибалардан биридир. «Халқ банки»нинг вилоят бўлими жамоаси шунини назарда тутиб, молиявий хизмат доирасини кенгайтирмоқда. Жумладан, амалдаги йилнинг ўтган даври мобайнида ёш оилаларга 3 миллиард 288 миллион сўмлик истеъмол ва ипотека кредитлари ажратилди. Ушбу маблағлар уларнинг рўзгорини бутлаш, маданий-маиший шароитларини яхшилаш учун йўналтирилмоқда.

Барча жойда бўлганидек, Наманганда ҳам тадбиркорликка иштиёқманд йигит-қизлар оз эмас. Улар орасида касб-хунар коллежларини тугатган иқтидорли ёшларнинг алоҳида ўрни бор. Бизнес оламига эндиликка қadam қўётган навқирон аялдош вакилларнинг моддий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватланиши янгидан-янги ютуқларга йўл очади, албатта. Давлат-тижорат «Халқ банки»нинг

вилоят филиали ҳам ушбу хайрли ишдан четда қолаётгани йўқ. Хусусан, банк ходимлари томонидан турли ўқув муассасалари, касб-хунар коллежларида пул-кредит муносабатлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига оид давра суҳбатлари, учрашувлар мунтазам равишда ўтказиб келинаётганлиги эътиборга моликдир. Бу каби тадбирлар битирувчи ёшларнинг кичик бизнес соҳасига бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

— Банк томонидан ажратилган 10 миллион сўмлик кредит эвазига янги тикув машиналари харид қилиб, чоғроққина цех ташкил этилди, — дейди ёш тадбиркор Дилноза Мадаминаова. — Ҳозирда бу ерда бир неча турдаги пардалар, келинлик либослари тайёрланмоқда. Энг муҳими, цехда 10 га яқин чевар қизлар иш билан банд. Яқин келажакда фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятимиз.

Бошқа бир ишбилармон — Шаҳло Йўлдошева ҳам банк филиалдан 15 миллион сўмлик сармоя олиб, ўз маҳалласида кичик маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини барпо этди. Айни пайтда бу ердаги сартарошхона, савдо нуқтаси, тўзаллик салони хизматларидан аҳоли мамнун.

Турмуш маданияти ва фаровонлигини оширишда нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланганини қисқартириш, эркин пул маблағларини омонатларга кенг жалб этиш муҳим аҳамият касб этади, албатта. Президентимизнинг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борода банк жамоаси учун асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Хусусан, кейинги пайтда банк томонидан таклиф этилаётган «Даромад-2», «Наврўз ифори», «Мустаҳкам оила», «Коммунал хизмат», «Болажонга мадад», «Оила манфаати» каби омонат турлари барчага мувоқуф бўлмоқда. Чунки улар ҳар жиҳатдан қулай ва ишончлидир.

Умуман, давлат-тижорат «Халқ банки»нинг Наманган вилоят филиали жамоаси бозор талабларидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатишнинг манфаатли ва замонавий усулларини кенг жорий этмоқда. Мақсад битта: у ҳам бўлса, мижозлар сафини янада кенгайтириш, уларга яқин маддакор бўлиш ва шу орқали мамлакат молия бозоридан мустаҳкам ўрин эгаллашдир.

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ХУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲА ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛИШИГА КЎМАКЛАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларидаги иштирокини рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси хузурида инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа хужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Танлов куйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган sanoat корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгиллаш.

Танловга инвестиция жозибдорликка ва sanoat соҳасида табиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа гоёлар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа гоёларини ҳамда улар бўйича лойиҳа хужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим:
Ариза (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи (намуна бўйича);
Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).
Батафсил маълумот учун:
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;
Web-site: www.fpd.uz;
E-mail: pdf.fund@gmail.com.

Манзил: Топкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Хўжаев кўчаси, 1-уй.
Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қavat. Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун БУЮРТМАНОМА

1. _____
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
2. _____
(тақдим этилаётган гоёвий лойиҳанинг тўлиқ номи)
3. _____
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомга қуйидаги хужжатлар илова қилинади:
— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлигига кафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар: номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури; асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Негизда лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар: корхонанинг номи ва реқвизитлари; асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари; охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар); умумий ҳудуди ва буш ишлаб чиқариш майдонлари; мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар; кадрлар потенциалли.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг: ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми, дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлигининг баҳоси.
- 4.2. Ишлаб чиқариш: лойиҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси; зарур бўладиган ходимлар сони.
- 4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш: инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
- 4.4. Молиялаштириш: лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати; объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати; лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан купилаётган натижалар: қутилаётган йиллик тушум ва соф фойда, экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лоийҳанинг номи ва жойлашган жойи)

№ п/п	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	Қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	қурилиш-монтаж ишларига	млн. сўм		
4.	Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланмиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлигига мувофиқ		
6.1.	шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ			

ОРҚАДАН «ОТИЛГАН ЎҚ», ОҒРИҚДАН ҚАНДАЙ ХАЛОС БЎЛИШ МУМКИН?

Бўйин қайрилмас, бел оғриси, умуртқада «санчик» пайдо бўлса, дунё киши кўзига қоронғу бўлиб қўрилади. Умуртқада эризиш кучайиб, бундай ҳолларга доим ҳам бардош бериш қийин. Кун давомида эса турли оғирликларни бир неча марта лаб кўтаришга тўғри келади. Умуртқамиз билан нималар юз бермоқда ва унга қандай ёрдам беришимиз мумкин?

Таввақалчилик омилли. Маълумки, кўпинча 30 ёшдан 45 ёшгача бўлган кишилар бел оғригидан тез-тез шикоят қиладилар. Одатда бу ҳол кўпроқ аёлларда учрайди. Шунингдек, бир қатор касблар ҳам бел оғриги пайдо бўлишига олиб келади. Бел оғригига кўпинча умуртқа қийшайиши сабаб бўлади.

Бел (орқа) оғригидан ёрдам учун кимга мурожаат қилиш керак? Агар бел оғриклари иситма кўтарилми, пешоб ранги ўзгариши, қорин ёки юракдаги оғриқлар билан бирга кечадиган бўлса, биринчи навбатда, шифокор-терапевт билан маслаҳатлашишнинг лозим. Белдаги жароҳат тўғрисида шубҳа-гумон мавжуд бўлган тақдирда травматолог ёки ортопед махсусхоналари талаб қилинади. Энг асосийси, бел оғриги бор миҳозлар шифокор-неврологнинг текшириш ва даволаш курсларидан ўтишлари лозим.

Бел оғригини қандай даволаш мумкин? Белда ўткир оғриқ хуружи пайдо бўлганда тинчлик (ором) ҳамда оғриқли синдром сабаби ва тақдорланиш жадаллигига қараб энг камида 2 кун, бироқ кўпи билан 1 hafta давом этиши лозим бўлган ётиб даволаниш режими талаб қилинади. Бунда текис ва қаттиқ юзада ётиш мақсада мувофиқ. Айни пайтда ҳаракатланиш режимини аста-секинлик билан кўпайтириб бориш ўринлидир. Муайян спорт турлари — юриш, сузиш билан шугулланиш. Умуртқа мушакларини ҳар кун маш қилинг.

Дори-дармонлар билан даволаш оғриқни камайтириш, фаолиқни сақлаб қолиш ва касаллиқнинг ривожланиш жараёнини секинлаштиришга йўналтирилган. Шундай дори воситаларидан бири — **ХОНДРОКСИД®** таркибида йирик қорамол тўқималаридан олинадиган хондроитин сульфат ва диметилсульфоксид (димексид)нинг табиий компонентлари мавжуд бўлиб, улар яллиғланишга қарши, оғриқсилантирувчи таъсир кўрсатади. **ХОНДРОКСИД®** малҳам дори (мазь), гел, таблеткалар кўринишида ишлаб чиқарилади. **ХОНДРОКСИД®** препаратининг қўлланилиши учун тавсиялар: сиртки бўйимлар ва умуртқа остеохондрози, остеоартрозини даволаш ва профилактика қилиш. Қўллаш усули: терининг яллиғланиш учоғи устидан кунига 2-3 марта сиртдан суртилади ва 2-3 дақиқа мобайнида тўлиқ сингиб кетгунга қадар ишқаланади. Даволаш курси — 2-3 hafta. Зарур ҳолларда даволаш курси такрорланади. Қўллашдан олдин йуриқнома билан танишиб чиқинг ва мутахассис билан маслаҳатлашинг.

Маҳсулот сертификатланган.

Қўшимча маълумотлар учун «Нижфарм» ОАЖнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонасига ва www.nizpharm.ru сайтига мурожаат қилинг. Тел: 140-35-81, 140-33-79.

Рўйхатдан ўтказилган гувоҳнома: 6-250-95 №12903 11.12.2007 й.; 6-250-95 №21908 29.04.2008 й. Ишлаб чиқарувчи: «Нижфарм» ОАЖ, Россия.

Реклама



Жаноб қайдовчи, сиз видеофиксатор назоратидасиз

8

саҳифада ўқинг

СЎНГГИ САҲИФА

Ўзбек футболли тобора ривожланмоқда. Аммо...

УНИНГ МАВҒЕИНИ ЯНАДА ОШИРИШ УЧУН МАМЛАКАТ ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИДА ҚАНДАЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР КЎРИЛМОҚДА?

Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI ASR»

Сир эмас: 2012 йилги мавсум ўзбекистонлик чарм тўп усталари учун том маънода омалди йил бўлди. Жумладан, ногирон-ампутант футболчиларимизнинг Россияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида яна бир бор дунёда тенгсиз эканликларини исботлаганлари, Осиё биринчиликларида муваффақиятли қатнашган ўсмирларимиз ва ёшларимиз келаси йил БАА ва Туркияда ўтадиган жаҳон чемпионатларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритганларини Ўзбекистонда спортни, хусусан, футболни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар натижаси, дея баҳолаш мумкин.

Энг муҳими эса ниҳоят Ўзбекистон миллий терма жамоаси «ЖЧ-2014» саралаш босқичида қарийб йигирма йил қутилган ютуқларни қўлга кирита бошлади. Хусусан, муваффақиятсиз (4-саралаш босқичининг биричи учрашувида эронликларга имкониятни бой бериб қўйган футболчиларимиз иккинчи учрашувда ўртамайнана Ливан терма жамоаси билан дуранг ўйнагани) стартдан сўнг секин-аста натижаларни яхшилаб борган (Ўзбекистон-Жанубий Корея — 2:2, Қатар-Ўзбекистон — 0:1, Эрон-Ўзбекистон — 0:1) Миржалол Қосимов шоғирларни мавсумни саралаш гуруҳининг 1-поғонасида яқунлашга муваффақ бўлдилар.

Асосийси, бу ғалабалар Ўзбек футболининг жаҳон миқёсидаги рейтингини ошириш билан бирга ўзбекистонлик миллион-миллион ишқибозлар орсунининг ушалишига сабаб бўлди.

Бироқ шу ўринда жамоаларимиз ғалабалари учун жонини беришга тайёр бўлган мухлислар қалбида: «Ана шу мавқени ушлаб туриш, қолаверса, ўсмирлар, ёшлар ва миллий терма жамоаларимиз ўйинларини янада кучайтириш учун ЎФФ томонидан қандай чоралар қўрилмоқда?», деган саволлар тугилиши табиий.

Тан олиш жоиз: кейинги йилларда ЎФФ томонидан мамлакатимизда янги стадионларни қуриш, терма жамоалар учун хориз ўқув-йиғинларини ташкил этиш, болалар



футболни ривожлантириш, хусусан, ёш истеъодларни кашф қиладиган спорт масканларини барпо этиш ҳамда у ерда селекция хизматини йўлга қўйиш ишлари амалга оширилмоқда. Аммо йирик мусобақалар арасида, қолаверса, мавсумлар оралиғида терма жамоаларимиз учун муносиб спарринг-рақиб топиб бериш ҳалигача муаммо бўлиб қолаётганидан кўз юммаслик керак.

Масалан, Ироқ терма жамоаси беш қарра жаҳон чемпиони — Бразилия билан, Саудия Арабистони терма жамоаси эса Мессе бошчилигидаги Аргентина билан ўртоқлик учрашувларини ташкил этаётган бир пайтда футболчиларимиз назорат учрашувларида ҳар доимгилек араб давлатлари, баъзида эса Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари жамоалари билан беллашиш билан кифойланмоқдалар.

Умид қиламизки, терма жамоаларимизнинг янги ғалабаларидан руҳланган, ва айтиш жоизки, янада юқори чўққиларни забт этишни кўзлаётган ўзбек футболли мутасаддилари ана шундай масалаларнинг ижобий ҳал этилишига

имкон топадилар.

Зеро, 20 ноябрь кунни ЎФФ Терма жамоалар марказида Мураббийлар кенгашининг навбатдаги мажлиси ўтказилиб, унда жамоаларни 2013 йилги мусобақаларга тайёрлаш масалалари қўриб чиқилганини айтиб ўтиш мумкин.

— Биз жаҳон чемпионатлари иштирокчисимиз. Энди ўртоқлик учрашувини ўтказиш бўйича таклифимизга рози бўладиганлар қўлайлигини аниқ, — деди йиғилишда футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоалари директори Рустам Акрамов. — Менимча, 2013 йилги мусобақаларга тайёргарлик дастурини Европа минтақасидаги йиғин ва мазкур қитъа жамоалари билан кечадиган ўйинлар асосида тузиш керак.

Шу ўринда 1994 йилда терма жамоамиз бош мураббийи сифатида футболчиларимиз билан Хиросимада бўлиб ўтган Осиё ўйинлари олтин медалларини қўлга киритган Р.Акрамов фикрларини ўсмирлар ва ёшларимиз устозлари — Дилшод Нуралиев ва Аҳмаджон Мусаев қўллаб-қувватлаганини айтиш жоиз:

— Тайёргарликни Европа қитъасида ўтказиш орқали янада ўсиш-

га эришиш мумкин. Фақат кўҳна қитъа жамоалари билан бироз аввалроқ келишиш керак. Уларга ҳам биз сингари ғалабаларга чанқоқ, қолаверса, бошқа минтақа вакилидан бўлган, яъни ўзгача рақиблар зарур, — деди Аҳмаджон Мусаев.

— Эътибордиси, фақат Осиёда келаси йилги жаҳон чемпионатлари иштирокчиларининг номлари маълум бўлган. Биз шу ёш тоифасидаги қитъа чемпионатлари ўтказиладиган мамлакатларга боришимиз керак. Масалан, ўсмирлар ўртасидаги Европа чемпионати Словакияда бўлиб ўтади. Турнир иштирокчилари билан ўша ерда ҳам ўйнаш мумкин, — дея ўз фикрини билдирди Дилшод Нуралиев.

Хулоса ўрнида мураббийларимизнинг юқоридаги мулоҳазалари қозғалди қилиб кетмаслигига, ЎФФ мутасаддиларининг мавсум оралиғида терма жамоаларимиз учун Европа, Африка ва Жанубий ёки Шимолий Америка минтақаларидан муносиброқ рақиб топишга имконият топишларига ишониб қоламиз. Зеро, ҳеч нарса юртин спортчилик дунёга машҳур ва танинмиш қила олмаслигини ёлдан чиқармаслик керак.

ХАБАРЛАР

ЖАНОБ ҲАЙДОВЧИ, СЎЗ ВИДЕОФИКСАТОР НАЗОРАТИДСИЗ

2013 йилдан бошлаб Тошкент шаҳридаги барча чорраҳаларда йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишини қайд этувчи видеофиксаторлар ўрнатиладиган бўлди. Янги йилнинг иккинчи ярмидан эса барча вилоят марказларида ва бутун республика бўйлаб йўлларга махсус камералар ўрнатиш режалаштирилган. Ўзбекистон ИИВ ЙХББнинг тарғибот бўлими вакили сўзларига кўра, йўлларда бундай ускуналари ўрнатишга эҳтиёж катта. Anons.uzда маълум қилинишича, бунинг учун давлат томонидан катта миқдорда маблағ ажратилган. Бир сўз билан айтганда, 2013 йилдан бошлаб йўлларда ЙХББ инспекторлари ўрнини видеокамералар эгаллайди. Аммо энг гавжум йўл участкаларининг икки бошида патруль машиналари туради. Мутахассисларнинг фикрича, бу тизим жуда оддий ишлайди. ЙХББ бузганлик учун ҳайдовчи жаримага тортилади, бу ҳақдаги хабарнома почта орқали юборилади. Жарима ўз вақтида тўланмаган тақдирда, унга муайян фоиз қўшилади. ЎЗРИИВ вакилининг сўзларига кўра, қоидабузарларни «пул» билан жазолаш жуда таъсирли усулдир. Маълумки, бундан бир йил аввал жарималар миқдори ошганидан сўнг қоидабузарликлар сони 35 фоизга қисқарган.



АМЕРИКАДА CHEVROLET SPARKНИНГ ЭЛЕКТР ВЕРСИЯСИ ТАЙЁРЛАНЯПТИ

Chevrolet (АҚШ) компанияси вакилларининг таъкидлашича, Chevrolet Spark EV 144 кучли ток узатадиган агрегатга эга бўлади. Бундай машинанинг от кучи бироз паст бўлса-да, бироқ электр моторни мойли совутигич билан таъминлашга қодир айланмишлар сони 540 Нм га етади. Лойиҳа бош муҳандиси Чак Расселнинг айтишича, Chevrolet Spark электромобили келаси йилдан ишлаб чиқарилади. Янги автомобилларни 2013 йил эида Калифорнияда сотувга чиқариш режалаштирилмоқда.

МИЛЛИЙ САЙТЛАРИМИЗ ХОРИЖЛИКЛАР УЧУН

АҚШда .UZ доменининг яна бир ташкил DNS-сервери ишга тушди. Бу билан узнет хорижлик фойдаланувчилар учун янада яқинроқ бўлди. Таҳлилчиларнинг фикрича, шу кунга қадар ўзбек домени олти DNS-сервер билан қўллаб-қувватланган, Ўзбекистондан ташқарида фақат битта сервер Германияда ишлар эди. 16 ноябрь кун АҚШнинг Виржиния штатида янги — еттинчи сервер ишга туширилди. Маълумки, DNS-серверлари қанча кўп бўлса, ундан фойдаланувчилар Ўзбекистон домен зонасидаги сайтларга шунчалик тез йўналтирилади. Янги DNS-сервер тезкор тармоқли оқимлар кесишувида жойлашган бўлиб, бутун дунё фойдаланувчиларининг сўровларига хизмат қўрсатади ва домен зонамига қайта йўналтиришлар тезроқ амалга оширилади. Серверни ўрнатиш ва соzлашда CCTLD.uz мутахассислари фаол қатнашдилар, дея хабар бериб узинfocom. Янги сервер ICANN (Internet Corporation for Assigned Names and Numbers) домен номлари билан боғлиқ масалаларни тартибга солишни халқаро нотижорат ташкилоти томонидан тасдиқланган ва маъқулланди. Эслатиб ўтамиз, DNS-сервер — бу домен номларини (одамга тушунарли бўлган) IP-манзилларга (маршрутизаторлар ва интернет серверларга тушунарли бўлган) айлантирувчи хизматдир.

НОВО-ПАССИТ
Табиий тинчлантирувчи восита

Хаётигизга хотиржамлик олиб келади!

Йодомарин
Море всегда с тобой!

- Устраняет дефицит йода
- Повышает иммунитет
- Улучшает память и внимание